

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛТЕТИ
“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари технологияси” кафедраси

“Мева-сабзавотларни сақлаш технологияси” фанидан

КУРС ИШИ

Мавзу: Анор ва анжир теришни ташкил этиш.

Топширди

Х.Валиев

Қабул қилди

Х.Болтабоев

Наманган-2014

Режа:

Кириш

1. Анорнинг ахамияти ва етиштириш технологияси
2. Анжирни ахамияти ва етиштириш технологияси
3. Районлаштирилган анор ва анжир навлари
4. Анор ва анжирни теришни ташкил этиш.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва қайта ишлаш саноатининг хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида таъминотни тубдан яхшилаш ҳамда уни узлуксиз давом эттириш давр талабидир. Айниқса, бу борада мева-узум, картошка, сабза-вот ва полиз маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Маълумки, мева ва сабзавот маҳсулотларининг асосий қисмини етиштириш баҳор, ёз, кузга тўғри кеиб, уларни пишиб етилиш муддатларига қараб сақлаш ҳамда қайта ишлаш оқилона ташкил этилмас экан, аҳолини турли шифобахш моддаларга бой маҳсулотлар билан таъминлаб бўлмайди. Маҳсулот етиштириш ортиб борган сари, уни сақлаш ва қайта ишлаш усуллари ҳам такомиллашиб, янги замонавий омборхона ва қайта ишлаш корхоналари бунёд этилмоқда.

Картошка, сабзавот, полиз ва мева маҳсулотларини териш, ташиш, сақлаш ва уларга дастлабки ишлов бериш фан-техника ютуқлари ҳамда илғор тажрибага таяниб амалга оширилса, исроф бўлиш анча камайиши муқаррардир. Халқаро Қишлоқ Хўжалиги Ташкилоти (ФАО)нинг маълумотларига кўра, маҳсулотларнинг исроф бўлиши дунё бўйича 10 фоиздан ошмайди. Мамлакатимизда, бу кўрсаткич айни кунда 30–40 фоизни ташкил этади. Зеро, ушбу кўрсаткични йилига 1–2 фоизга камайитиришга эришилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Масалан, республикаимиз мева-узум боғларининг умумий майдони 2000 йилда 218,3 минг гектарни, сабзавот экинларники эса 44,2 минг гектарни ташкил этди. Жумладан, мева-узумдан олинган ялпи ҳосил 55,3 минг тонна, сабзавотларники 696,4 минг тоннага етди.

Сўнги йилларда мева ва сабзавотларни етиштириш уларни сақлаш ва ўз вақтида қайта ишлаш мақсадида бир қатор қонунлар ва фармойишлар қабул қилинмоқда.

Бунга 2008 йил октябр ойидаги “Пахта экин далаларини қисқартирилиши билан мева-помидорлар ва узумни ривожлантиришга” қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг Қарори Республикаимизда ҳар йили аҳоли сонини ўсиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда уларни ўз вақтида озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бу борада Республикаимиз Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг 21 январ куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида биз бугун чорвачилик, ғаллачилик, мева ва сабзавотчилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллашга, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонвий суғориш тизимлари ва энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланишга етарлича эътибор берамаётганлигимизни айтиб, “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги дастур тасдиқланганлиги ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устивор вазифа сифатида изчил давом эттирилиши такидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.06 даги №ПФ-3709 “Мева-сабзавотчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2008 йил 20 октябрдаги “Экин майдонларини оптималлаштириш ва озиқ-овқат экинлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш тўғрисида”ги фармони, 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва ички бозорни тўйинтириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида”ги қарори, шунингдек “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, уни Ўзбекистон шароитида барта-раф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида чоп этилган тавсияларга мувофиқ республикада 2011 йилгача ижтимоий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолияти доираларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва қишлоқ хўжалиги экинлари ассортиментини кенгайтириш, бунинг асосида аҳолининг озиқ-овқат товарларига бўлган талабини тўлиқ қондириш ва қишлоқ аҳо-лисининг даромадини оширишга эришиш дастури белгилаб олинди.

Боғдорчилик маҳсулотларидан озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланишдан, йил бўйи аҳолини янги мева билан таъминлашдан ташқари улар мағзидан сифатли мой (ёнғоқ, бодом, зайтун ва бошқалардан) олинади, анор, ёнғоқ мевасининг пўсти, баргидан таннин ҳамда қимматбаҳо бўёқлар тайёрлашда фойдаланилади. Ёнғоқ, ўрик, нок ва хурмо каби мева дарахтлари ёғочидан мебель ишлаб чиқариш (ёғочсозлик) саноатида фойдаланилади.

1. АНОРНИНГ АХАМИЯТИ ВА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Анорнинг ватани Озарбайжон, Эрон, Афғонистон ҳисобланади. Лекин Ўзбекистонда жуда қадимдан экилади. Анор авлодига икки тур киради: биринчиси — Р. Урта Осиё, Закавказье ва Догистонда ёввойи ҳолда ўсади. Иккинчиси — Р. Ргехориш Баёл Суматра оролларида ёввойи ҳолда ўсади, унинг меваси нстеъмол қилиш учун ярамайди.

Анор асосан Ўзбекистон, Озарбайжонда, Краснодар ўлкаси (Сочи)да, Црим вилоятида, Шанубий Цозоғистонда ва Догистон АССРда тарқалган. Дозирги маданий анор унинг ёввойи туридан селекция йўли билан чиқарилган. Пишган меваси таркибида 15—19 фоиз шакар 1,2—2,6 ироцент кислоталар, шарбатида эса шифобахш темир ва кўп Микдорда таннин моддаси бор.

Урта Осиёда анор қарийб 2000 йилдан буён экилиб келинмоқда. Совет Иттифоқидаги анорзорларнинг 25 фоиздан кўпроғи Ўзбекистонда жойлашган. Кўп йиллардан бери Ўзбекистонда айрим анорзорлар барпо қилиниб, махсус навлар экилмоқда. Булар Фарғона водийсида, Сурхондарё вилоятининг айрим районларида жойлашган. Анорзорлар Фарғона водийсининг Қува, Наманган ва Андижон районларида катта майдонларда барпо қилинган.

Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидаги анорзорлар асосан янги барпо этилган бўлиб, уларга стандарт навлар экилган. Ўзбекистонда ёввойи анор ҳам учрайди. У алоҳида туп ёки кичик чангалзор шаклида Ҳисор тизма тоғларининг жанубида, Санғардоқ, Тўпаланг, Обизаранг дарёлари этагида ўсади. Ўзбекистон анорзорларининг қарийб 37 фоиз Сурхондарё вилоятидадир.

Анор мевасини ейишдаи ташқари, пўчоғи ва илдизини қайнатиб, сувидан медицинада ошқозоничак касалликларини даволашда фойдаланилади. Анордаи олинадиган ошловчи моддалар ва лимон кислота тери ошлашда ишлатилади. Унинг ёғочи қимматбаҳо материал ҳисобланади. Анор манзарали ўсимлик сифатида ҳам ўстирилади.

Анор кичикроқ дарахт ёки бута шаклида ўсади, бўйи 2—5 м гача етади, илдизи кучли ўсади. Одатда, кўплаб илдиз бачки чиқаради. Новдаси сертикан бўлади. Нордон анор навларининг новдаси ширин анорникига қараганда сертикан бўлади. Гули оч қизил бўлиб, новдаларининг учидан биттадан бештагача жойлашади, четдан чангланади. Анорнинг гули икки хил: биринчиси — йирик, уруғчиси узун кўзасимон бўлади ва одатда, чангдондан юқорида ёки у билан барабар жойлашади, бу гуллар мева тугади; иккинчиси—майда уруғчиси калта, кўнғироқ шаклда бўлиб, чангдондан пастроқда жойлашади, булар мева тугмайди. Уруғчиси узун гуллар кўпинча ўтган йилги новдаларда, уруғчиси калта гуллар эса шу йилги новдаларда чиқади.

Меваси йирик, ўртача вазни 150—200 г дан 1—1,2 кг гача бўлади. Тўлиқ пишганда териб олинади. Эрта терилса, сақланганда етилмайди. Пишган меваси ўз вақтида териб олинмаса, ёрилиб кетади. Анор 15—16

даража совукдан каттиқ зарарланади. 18— 20 даража совукда эса унинг илдиз бўғзигача совук уради. Шунинг учун қишда кўмилади.

Анор асосан қаламчасидан кўпайтирилади. Унинг ер усти қисмини ҳар 10—15 йилда бир марта ёшартириш мумкин, бунинг учун эски шохшаббаси кесиб ташланади ва янги ўсиб чиққан новдалари парвариш қилинади.

Анор ҳар хил тупроқли ерларда ўсаверади, лекин сизот сувлар чуқур жойлашган, унумдор, сув билан яхши таъминланган, суви яхши ўтказадиган тупроқли ерларда яхши ўсиб, мўл ҳосил беради.

Анор октябрь ойининг охирларидан бошлаб кўмилади. Бунда шохшаббаси тагига қамиш, шоли, похол, хашак тўшалади ва туплари кетма-кет бир томонга ётқизилади, устидан яна бир сидра қуриган хашак тўшаб, кейин 25—30 см қалинликда тупроқ тортилади. Кўмиш вақтида тупроқда нам етарли бўлиши керак.

Март ойида кунлар исиши билан анор туплари очилади. Кейин шохшаббаси қирқилади, тўғри шакл берилади ҳамда қаламча тайёрланади.



1-расм Анорни Қозоқи нави.

2. АНЖИРНИ АХАМИЯТИ ВА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

Анжирнинг ватани Кичик Осиё ҳисобланади. Европада, Ўрта Осиёда, Жанубий Қозоғистон, Қрим, Кавказ, Молдавиядада, Краснодар ўлкасида тарқалган. Грузия, Озарбайжон ва Ўзбекистонда айниқса кўп. Ўзбекистонда у асосан, Фарғона водийсида экилади (умумий анорзорларнинг 75 фоиз шу водийда жойлаштирилган).

Анжир меваси таркибида 10—28 фоизгача, қуритилганда эса 86 фоизгача шакар, 0,22—0,09 фоиз кислота, А, С, В, витаминлар, минерал тузлар (фосфор, магний, кальций, темир) бўлиб, у жуда шифобахш ҳисобланади. Мевасидан жем, қиём, компот ва қуюқ шарбат тайёрланади. Қуритилган ҳамда қайта ишланган маҳсулотини узок вақт сақлаш ва узок ерларга юбориш мумкин.

Анжир авлодига 600 дан ортиқ тур киради. Улар асосан тропик, бироз қисми субтропик мамлакатларда ва мўътадил иқлимли кенгликларда ўсади. Закавказье, Қрим ва Ўрта Осиё тоғларининг тошли очик ёнбағирларидаги харсанг тошлар орасида ёввойи ҳолда ўсадиган анжир ҳам шулар жумласига киради.

Анжир бир уйли, баъзан икки уйлиси ҳам учрайди. Гули майда, бир жинсли, нок шаклида тўпгул ҳосил қилиб, барг қўлтиғидан ўсиб чиқади. Тўпгулида чангчи ва уруғчи гуллар жойлашган. Гули арилар (бластофага пашшаси) ёрдамида чангланади. Лекин Ўзбекистонда экиладиган ҳамма анжир навлари чангланмасдан мева тугади. Бундай процесс партеногенез дейилади. Чангланмасдан ҳосил бўлган анжир мевасининг уруғи яхши унувчан бўлмайди. Анжир гулини сунъий йўл билан чанглантириш ҳам мумкин, буни капрификация дейилади. Анжир бир мавсумда икки марта ҳосил беради. Биринчи ҳосил июнь-июль ойларида ўтган йили кузда шаклланган куртаклар етилади. Иккинчи ҳосили август-сентябрь ойларида пишади.

Иккинчи ҳосил берадиган куртаклар шу йилги ўсув даврида пайдо бўлган новда, барглар қўлтиғида июнь ойидан бошлаб шаклланади. Новданинг пастки қисмида ҳосил бўлган куртаклар барвақт мевага айланиб, новданинг юқорисига қараб ҳосил бирин-кетин пишиб етилади. Бир йиллик новдаларда мева тугилиб пишиб етилгунча 75—85 кун ўтади. Анжирнинг новда ва баргларида сутга ўхшаш қуюқ шира бор. Барглари асосан 3—5 кесикли, уларнинг шакли ва катта-кичиклиги жуда хилма-хил бўлади. Бир новданинг ўзида кесиксиз барглар билан бирга, 3,5 ва ҳатто 7 тагача кесикли барглари учратиш мумкин.

Анжир ҳосили ҳар 45 кунда бир марта терилади. Ҳосилга кирган бир туп анжирдан 10 кг дан 40-50 кг гача ҳосил олиш мумкин. Ўзбекистоннинг жанубий районларида анжир даимий ўсиб, новдаларида пайдо бўлган ҳосил деярли тўлиқ пишиб етилади, шимолий районларда куз эрта бошланганлиги учун кузга қолган ҳосил тўлиқ пишиб етилмайди, уни кўпинча совуқ уриб кетади.

Анжирнинг тупи ва пишган новдаси 12 —15 градус совуққа чидайди. Лекин 16 градус совуққа кўп йиллик новдалари зарарланади, 18 градусда

кўмилмай қолган анжир тупини илдиз бўғзигача совуқ уриб кетади. Шунинг учун анжир тупларини октябрь ойининг иккинчи ярмидан ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигигача анорга ўхшатиб кўмилади.

Баҳорда анжир туплари тахминан 20 мартдан 5 апрелгача очилади. Бунда анжирнинг шикастланган ва кесилган новдалари юлиб ташланади, туплари кўтарилиб, остига тирговуч қўйилади. Анжирнинг ҳосилдорлиги уни очиш муддатига боғлиқ. Кеч очилса ҳосили камайиб кетади. Анжир асосан бир йиллик қаламчаларидан кўпайтирилади.



2-расм. Анжирни Қарши қора нави

3. РАЙОНЛАШТИРИЛГАН АНОР ВА АНЖИР НАВЛАРИ

Анор навлари

Қизил анор— пўсти тўқ қизил ёки қизил, маҳаллий нав. Меваси ўртача, йирик. Дони тўқ қизил, йирик, пўсти юпқа, ундан 50 — 55 процент шарбат чиқади. Мазаси яхши, нордон-ширин, бир тупи-дан 30—35 кг гача ҳосил олинади. Асосан Ўзбекистонда кўп тар-қалган (XVI рангли расм, 1).

Қозоқи анор — меваси ўртачадан йирикроқ (300-400 г), кумуш-рўн сариқ. Шарбати тўқ қизил, мазаси нордон-ширин. Меваси-дан 40 — 45 процент шарбат чиқади. Октябрда пишади, 6—7 ой сақ-ланади. Серҳосил, ҳар тупидан 40 кг гача ҳосил олинади, (XVI рангли расм, 2).

Қайим анори— меваси ўртача йирик (200-250 г), дўсти кў-киш-қизил, меваси нордон-ширин, шарбати тўқ қизил бўлади. Сен-тябрнинг охири — октябриинг бошида пишади.

Оқ дона (туя тиш)— меваси ясси юмалоқ, йирик, ўртача вази 300-350 г келади, сентябрь охирида пишади. Дони йирик, пўсти юпқа, қаттиқ пишганда мевасининг ранги оч сариқ ёки оқш қизил бўлади. Шарбати оч пушти, хушбўй, ширин, таркибида 14 фоизгача шакар ва 0,5 фоизгача кислота бор. 2 ойгача сақланади. Ўзбекистоннинг деярли барча областларида экиш учун районлаш-тирилган.

Аччиқ дона— Тошкент, Андижон ва Сурхондарё вилоятларининг айрим районларида стандартга киритилган. Серҳосил, меваси октябр ойида пишади, ясси-юмалоқ, йирик, ўртача вази 300-400 г келади, пўсти қалин, меваси пишганда бир текис қизил бўлади. Дони ва шарбати қизил. Мазаси нордон-ширин. Шарбати таркиби-да 15 процент шакар, 2,5 кислота бор, мевасини 2—3 ойгача сақ-лаш мумкин.

Бедона — мева пўсти асосан сарғиш бўлиб, шарбати оч пушти, ширин. Сентябрь охирида пишади. Меваси ташишга ва сақлашга чидамли.

Меваси таркибида лимон кислота кўи бўлади.

Ульфи— Китоб районида энгладиган энг асосий нав. Бошқа жойларда кам учрайди. Ҳар тупидан ўрта ҳисобда 20—25 кг гача-ҳосил олинади. Меваси сентябрь ойининг охири—ноябрнинг бош-ларида пишади, юмалоқ, йирик, ўртача вази 250—300 г, қобиғи ўртача қалин. Ранги сариқ, нурсиз малина рангда. Дони ўртача йи-рик, шарбати оч пушти, ширин, бир оз нордон, таркибида 14—15-фоиз қанд, 0,5—0,6 процент кислота бор. Ташишга чидамли, ўртача 3—4 ой сақланади.

Бола мурсал— Озарбайжондаги энг яхши стандарт навлардан бири бўлиб, Ўзбекистоннинг жанубий районларида экиш учун тавсия этилади. Ўзбекистонда ҳар бир тупидан ўртача 20—25 кг дан, серҳосил тупларидан эса 50—60 кг дан ҳосил олинади. Меваси ок-тябрда пишади, узунчоқ-юмалоқ, бир текис. Пўсти ўртача қалин-ликда, юмшоқ. Ранги бир текис тўқ малина тусда. Мевасининг ўр-тача вази 200—250 г, баъзилари 600 г га етади. Дони ва шарбати малина тусда, ёқимли нордон-ширин мазали, таркибида 15—16 процент шакар ва 1,5 — 1,6 процент кислота бор. Ташишга ўртача чидамли, 3—4 ойгача сақланади.

Пушти Гулоша — Озарбайжондаги энг яхши стандарт навлар-дан' бири, Ўзбекистонда ҳар тупдан ўртача 20 — 25 кг дан ҳосил олинади. Меваси октябрь ойида пишади, ўртача йирик, вазни 200—250 г, баъзилари 700 г келади, ранги малина ва пушти тус-да, бир текис, бир оз ёқимли. Таркибида 15—16 фоиз қанд ва 1,2 —1,3 процент кислота бор. Ташишга чидамсиз 3 — 4 ойгача сақланади.

Анжир навлари

"Ўзбекистон сариқ анжири— меваси йирик, ўртача вазни 60-00 г, ясси сариқ. Таркибида 14—18 фоиз шакар, 0,12 процент кислота бўлади. Бу 'нав бир йилда икки марта ҳосил беради. Меваси асосан янгилигида истеъмол қилинади. Ўзбекистоннинг барча областларида тарқалган. У бутун анжирзорларнинг 90 процентини ташкил этади. Ҳосили ўртача, ўн ёшли бир тупидан 45—50 кг гача ҳосил олинади (XVII рангли расм, 1).

Смирин қора анжири— Тошкент вилояти, Наманган вилоятининг Чуст, Поп, Сурхондарё вилояти, Термиз районининг жанубий зонаси, Денов райони, Андижон, Хоразм ва Бухоро областларида экиш учун тавсия этилган. Тупи ёйилиб ўсади, барглари қорамтир-кўкиш рангда. Меваси ноксимон, қорамтир бинафша рангда, қовурғали, юзаси мум ғуборли. Мазаси ширин, тупида сўлиб қолади. Пишган меваси таркибида 20—25 процент шакар, 0,2 процент кислота, қокйсида эса 72 процент шакар, 0,5 процент кислота бў-лади. Янги териб олинган меваси салқин жойда 3—5 кун сақлана-ди. Бир йилда икки марта ҳосил олинади. Тошкент вилояти ша-роитир бир тупидан 45—50 кг гача ҳосил олиш мумкин (XVII рангл расм, 2).

Чапла нави— меваси ўртача йирик —35-40 г. келади, юма-лок, ноксимон бўлиб, оч ва тўқ жигарранг йўллари бор, пўсти сариқ, майда тук билан қопланган. Янги узилган меваси таркибида 21—24 процент шакар ва 0,2 процент кислота бўлади. Бу нав ан-жир эртапишар бўлиб, август ойининг ўрталарида пиша бошлайди. 10—12 ёшли тупи 25—30 кг атрофида ҳосил беради. Стандарт анжир навига киради.

Кадота— энг яхши универсал нав ҳисобланади. Меваси ўртача йирик, ноксимон, Ранги сариқ. Эти оч жигарранг тусда, мазаси ширин. Бир йилда икки марта ҳосил олинади, серҳосил, 1,0 ёшли тупидан 50-55 кг гача ҳосил олинади. Ҳосили августнинг охирида пишади. Одатда анжирнинг пишган меваси таркибида шакар кўп, кислота кам бўлади, шунинг учун у ширин ва қуритилганда ундан яхши қокитушади.

4. АНОР ВА АНЖИРНИ ТЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Анор ва анжирларнинг биологик хусусиятлари уларни қисқа муддатда йиғиб-териб олишни тақозо этади. Уларни ўз вақтида сифатини бузмасдан йиғиб-териш учун хўжаликда бир қатор ташкилий хўжалик ишларни амалга оширишни талаб қилади.

Жумладан, мева териш ва узум узиш учун зарур бўлган асбоб–ускуналарни (нарвон, сават, ilmoқлар ва бошқалар) тайёрлаш; Анор ва анжирларни жойлаштириш майдончаларини ремонт қилиш ва уларни керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш; Анор ва анжирларни териб жойлаштирадиган идишларнинг миқдорини аниқлаб, уларни тайёрлаш (дезинфекция қилиш ва ремонт қилиш); Анор ва анжирларни жойлашда ишлатиладиган материалларни тайёрлаш (қоғоз, мих, сим, қиринди ва бошқалар); ташиш транспортларининг сонини аниқлаш ва уларни тайёрлаш; участка йўллари ва кўприкларни тузатиш; Анор ва анжирни териб олиш ва уни қайта ишлашнинг миқдори ҳамда муддатига қараб ишчилар сонини белгилаш, уларни қисқа курсларда ўқитиш; Анор ва анжир йиғиб-териш билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларнинг меоёрини ва баҳосини белгилаш; экиладиган ҳар бир нав учун кутилган ҳосил миқдорини аниқлаш; ҳосилни қайси мадсадларда фойдаланиш графигини тузиш ва режалаштириш, қайта ишлаш цехларини ва қуриштириш майдончаларини тайёрлаш, уларни керакли материаллар ҳамда кимёвий моддалар билан таоминлаш; Анор ва анжирни узоққа жўнатиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш каби тадбирларни кўриб чиқиш лозим.

Анорсҳилик ва боғдорчилик хўжаликларида хўжалик–ташкилий ишларнинг ўз вақтида ва тўғри ташкил қилиниши етиштирилган ҳосилни нобуд қилмасдан йиғиштириб олишни, саноатни сифатли хом ашё билан, меҳнаткашларни эса ҳўл ва қуруқ мева билан ўз вақтида таоминлашни, хўжаликни иқтисодий самарадорлигини оширишни таоминлайди.

Маолумки дарахтдаги меваларнинг ҳаммаси бир йўла пишиб етилмайди. Дарахтдаги меваларнинг бир вақтда пишиб етилмаслигига сабаб, қуртакларнинг турли муддатларда туғилиши, гуллаши, тугунча туғиши ҳисобланади. Шу сабабли дарахтдаги меваларнинг пишишига қараб танлаб териш лозим. Бунда ҳар бир дарахтнинг мевалари 2–3 марта терилади.

Одатда уруғли меваларнинг иккинчи теримига биринчи теримдан 10–15 кун ўтгач, данакли меваларни теришга эса 3–4 кундан кейин тушилади. Меваларни танлаб териш уларни сортларга ажратишни анча енгиллаштиради.

Меваларни теришда улар пўстининг шикастланмаслигига эҳтибор бериш лозим. Шикастланган меваларнинг ранги қорайиб, чирий бошлайди. Ҳўллигича истеомол қилинадиган меваларни дарахтдан қоқиб олиш мумкин эмас.

Мевалар мева банди билан терилади. Айниқса данакли мевалар мева банди билан терилиши шарт. Акс ҳолда бандсиз узилган мевада банд мевага бирикиб турган жойда тешик ҳосил бўлиб, мевадан шира оқа бошлайди, натижада меванинг мазаси бузилади. Айниқса мева бандини синдириб узиш

мева пўстларини шикастлантиради. Шу билан бирга синган мева бандидан кўп сув буғланиб, мева буришиб қолади. Гилос ва олча меваларининг мева банди билан териши уларни яшиқларга жойлаштиришда анча қулайлик туғдиради.

Меваларни териш ҳар бир тур учун ўзига хос хусусиятларга эга. Беҳини терганда мева сиртидаги тукчалар сақланиши, гилос олча ва олхўрини терганда сиртидаги мум ғуборни сақлашга эотибор бериш лозим. Шафтоли ва ўрик теришда бир қўл билан шохчани ушлаб туриб, иккинчи қўл билан мевалар терлади. Нозик меваларни бармоқ билан ушлаб теришга мутлақо йўл қўйилмайди, чунки бармоқ теккан жой заҳа бўлиб, қорайиб қолади. Шафтоли ва ўрик теришда юмшоқ кўлқоп кийиб олиш уларни шикастланишдан анча сақлайди. Терилган мевалар саватларга ён томони билан жойланиши керак. Бунда уларнинг банди синиб кетмайди ва бошқа меваларни зарарлантормайди.

Теримга тушиш олдидан тўкилган мевалар териб олиниб, сараланиб дарҳол улардан фойдаланиш чоралари кўрилади. Меванинг чириганларидан сирка олиш мумкин, улардан қоқи қилиш, повидло, шарбат ва бошқа маҳсулотлар олиш мумкин.

Териш вақтида тўкилган меваларни дарахтдан терилган меваларга аралаштириб юбормаслик керак. Бу тўкилган мевалар ҳўллигича дарҳол истеомол қилиниши ёки қайта ишлашга юборилиши лозим.

Совукда музлаган меваларни дарахтнинг ўзида эригандан сўнг териб олинади.

Чанг босган, шира билан кучли зарарланган ва заҳарли дорилар билан ишланган дарахтлардаи мева теришдан илгари юқори босимда сув билан ювилади.

Анор узишда идишлар тоза ва ҳидсиз бўлиши лозим. Қайта ишлаш учун узиладиган анор унча авайлаб узилмаса ҳам бўлади. Ҳўллигича истеомол қилинадиган ва майиз қилинадиган узумлар эҳтиётлик билан узиб олинади. Анор узишда боғ қайчидан фойдаланилади. Бунда ифлосланган, зарарланган ва касалланган анор меваси алоҳида саватларга солинади.

ХУЛОСА

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва қайта ишлаш саноатининг хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида таъминотни тубдан яхшилаш ҳамда уни узлуксиз давом эттириш давр талабидир. Айниқса, бу борада мева-узум, картошка, сабза-вот ва полиз маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Маълумки, мева ва сабзавот маҳсулотларининг асосий қисмини етиштириш баҳор, ёз, кузга тўғри кеиб, уларни пишиб етилиш муддатларига қараб сақлаш ҳамда қайта ишлаш оқилона ташкил этилмас экан, аҳолини турли шифобахш моддаларга бой маҳсулотлар билан таъминлаб бўлмайди. Маҳ-сулот етиштириш ортиб борган сари, уни сақлаш ва қайта ишлаш усуллари ҳам такомиллашиб, янги замонавий омборхона ва қайта ишлаш корхоналари бунёд этилмоқда.

Анорнинг ватани Озарбайжон, Эрон, Афғонистон ҳисобланади. Лекин Ўзбекистонда жуда қадимдан экилади. Анор авлодига икки тур киради: биринчиси — Р. Урта Осиё, Закавказье ва Доғистонда ёввойи ҳолда ўсади. Иккинчиси — Р. Ргехориш Bael Суматра оролларида ёввойи ҳолда ўсади, унинг меваси нстеъмол қилиш учун ярамайди.

Анор асосан Ўзбекистон, Озарбайжонда, Краснодар ўлкаси (Сочи)да, Қрим вилоятида, Жанубий Қозоғистонда ва Доғистонда тарқалган. Дозирги маданий анор унинг ёввойи туридан селекция йўли билан чиқарилган. Пишган меваси таркибида 15— 19 фоиз шакар 1,2—2,6 ироцент кислоталар, шарбатида эса шифобахш темир ва кўп Микдорда таннин моддаси бор.

Анжирнинг ватани Кичик Осиё ҳисобланади. Европада, Ўрта Осиёда, Жанубий Қозоғистон, Қрим, Кавказ, Молдавиядада, Краснодар ўлкасида тарқалган. Грузия, Озарбайжон ва Ўзбекистонда айниқса кўп. Ўзбекистонда у асосан, Фарғона водийсида экилади (умумий анорзорларнинг 75 фоиз шу водийда жойлаштирилган).

Анжир меваси таркибида 10—28 фоизгача, қуритилганда эса 86 фоизгача шакар, 0,22—0,09 фоиз кислота, А, С, В, витаминлар, минерал тузлар (фосфор, магний, кальций, темир) бўлиб, у жуда шифобахш ҳисобланади. Мевасидан жем, қиём, компот ва қуюқ шарбат тайёрланади. Қуритилган ҳамда қайта ишланган маҳсулотини узок вақт сақлаш ва узок ерларга юбориш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Рибаклов А.А., Остроухова С.А. Ўзбекистон мевачилиги. Т., «Ўқитувчи», 1981.
2. Бўриев Ҳ.Ч. Ҳаваскор боғбонларга қўлланма. Т., 2002.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чоратadbирлар тўғрисида” қарори. ПФ-3709-Фармони ва ПҚ-255-Қарори. // Халқ сўзи – 2006 йил 11 январ.
5. Мирзаев М.М., Собиров М.К. Боғдорчилик. Т., 1987.
6. Сабазавот-полиэ экинлари, мева ва узумчиликни ривожлантириш ва комплекс қайта ишлаш Кенгаши тақдим этган 2004-2010 йилларда тармоқни такомиллаштириш Дастури. Ҳайъат қарори. Т., 2004.
7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат Реестри. Т., 2006.

Сайтлар:

<http://ziyo.edu.uz/rus/showinfo> Электронная версия книги Овощеводства, бахчеводство, плодoводство и виноградарство Узбекистана.

<http://www.bfpais.ru> Плодoводство и виноградарство

www.lnau.lg.ua/scien_r9.htm Плодoводство и садоводство. Исследования относятся к вилояти плодoводства и садоводству

<http://www.CNSHB.ru> Плодoводство Узбекистана

<http://uzbekistan.uzpak.uz/F53.html> Сады Узбекистана